



QAROR

2008 йил "10" декабр

№ 1160-қ.

Самарқанд тумани «Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини «Талибарзу» кишлоғида яшовчи фуқаро Юнусов Шодига гишт ва сабзавотларни қайта ишлаб чиқариш цехлари қурилишини қуриб, фойдаланиш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 5,23,27-моддаларига ва «Шахарсозлик» кодексининг 38,52,53 моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27-майдаги 248-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қуйиш ва уларни кишлоқ хужалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тугрисида»ги низомга асосан, Самарқанд тумани «Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини «Талибарзу» кишлоғида яшовчи фуқаро Юнусов Шодининг туман ҳокими номига 2008 йил 3-декабрда ёзган аризасини, «Келажак» фермер хужалиги раиси Бобоев Кахрамоннинг 2008 йил 3-декабрдаги розилик хатини ва туман ҳокимлиги ер танлаш комиссиясининг 2008 йил 3-декабрдаги далолатномасини қуриб чиқиб, ҳамда туманда ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини қуриб чиқиш буйича туман комиссиясининг 2008 йил 4-декабрдаги хулосасини инобатга олиб,

КАРОР КИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ер танлаш комиссиясининг 2008 йил 3-декабрдаги далолатномаси, туманда ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини қуриб чиқиш буйича туман комиссиясининг 2008 йил 4-декабрдаги хулосаси тасдиқлансин.

2. Окдарё туманидаги Р.Хамраев номли массиви ҳудудидаги «Келажак» фермер хужалигининг ердан фойдаланиш картасини 36а-38а рақам билан белгиланган контурдаги кишлоқ хужалиғида фойдаланилмайдиган еридан 2,0 гектар ер майдони Самарқанд тумани «Кулбаипоён» кишлоқ фуқаролар йиғини «Талибарзу» кишлоғида яшовчи фуқаро Юнусов Шодига гишт ва сабзавотларни қайта ишлаб чиқариш цехлари қурилишини қуриб, фойдаланиш учун танлансин ва ажратилсин.

3. Туман Иқтисодиёт бўлими (Ш.Пардаев)га ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А.Жалолов)га хужалиқларнинг кишлоқ хужалиқ маҳсулотлари етиштириш, сотиш ҳажмлари ва экинларни жойлаштириш ҳамда ер тугрисидаги ҳисоботларга тегишли узгартиришлар киритиш топширилсин.

4. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (С.Абдурахмонов)га ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А.Жалолов)га гишт ва сабзавотларни қайта ишлаб чиқариш цехлари қурилиши учун ер майдони жойида далолатнома тузиб ажратиш ва меъморчилик талаблари асосида қурилишини назорат қилиш топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ш.Нарзиев зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими:-

Н.Бердибоев